

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ  
“ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ” КАФЕДРАСИ

“ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ”

ФАНИДАН

# РЕФЕРАТ

Бажарди:

47-10 гуруҳ талабаси  
*Сативалдиев Ш.*

Қабул қилди:

*Мамасиддиқов А.*

## ҒОЯ ВА МАФКУРА

Режа:

1. Ғоя тушунчаси.
2. Ғояларнинг турлари.
3. Мафкура нима?
4. Мафкура шакллари.

1. Инсон ҳаётида ва жамият тараққиётида ғоялар муҳим ўрин тутди. Шу маънода инсоният тарихи - ғоялар тарихидир. Маълумки, ҳар қандай миллат, ижтимоий тузум ва давлат муайян бир тамойил ва қадриятлар асосида ҳаёт кечирилади, ўз мақсадлари ва орзу-интилишларини қўзлаб ҳаракат қилади. Шу билан инсон бошқа тирик мавжудотлардан фарқ қилади. Инсон онгини шартли равишда икки қисмга бўлиш мумкин: инсоннинг руҳий олами ва тафаккур олами. Инсон тафаккури воқеликни идрок этиш мобайнида турли фикрлар, қарашлар, ғоя ва таълимотлар яратади. Бинобарин, ғоя ҳам инсон тафаккурининг маҳсулидир. Лекин ҳар қандай фикр, мулоҳаза ёки нуқтаи назар ғоя бўла олмайди. Фақатгина энг кучли ва таъсирчан фикрларгина ғоя бўлиши мумкин. Ғоянинг оддий фикрдан фарқи шундаки, улар гарчи тафаккурда пайдо бўлсада, инсон руҳиятига, ҳатто туб қатламларига сингиб боради. Ғоя шундай қувватга эгаки, у одамнинг ички дунёсига кириб бориб, уни ҳаракатга келтирувчи, мақсадга етакловчи руҳий ва ақлий кучга айланади. Ғоя моҳиятан ижтимоий характерга эга. Муайян ғоя, одатда алоҳида олинган шахс онгида шаклланади, кейинчалик жамиятнинг турли қатламларига тарқалади. Мустақил ҳаётга қадам қўётган янги авлод жамиятда мавжуд ғоялар таъсирида тарбияланади, муайян қарашларни ўз эътиқодига сингдирилади, ўз навбатида янги ғояларни яратади ва тарғиб қилади. Ҳар нарсанинг ибтидоси ва интихоси бўлганидек, ғоялар ҳам ўз умрига эга. Улар ҳам маълум маконда ва замонда пайдо бўлиши, жамият ривожига ўз хиссасини қўшиши, кишилар онги ва қалбидан жой олиши, ўз умрини яшаб, жозиба ва қувватини йўқотгач, тарихий хотрага айланиши ҳам мумкин. Ғояга таъриф бериш учун унинг моҳиятини намоён этадиган асосий хусусиятларини санаб ўтиш лозим бўлади. Энг муҳим хусусияти – инсон ва жамиятни мақсад сари етаклайдиган, уларни сафарбар этадиган куч эканидир.

2. Ғоя тафаккурнинг маҳсули сифатида теварак атрофни ўрганиш, билиш жараёнида вужудга келади. Ижтимоий онгнинг барча шакллари – илм-фан, дин, фалсафа, санъат, ахлоқ, сиёсат ва ҳуқуқ муайян бир ғояларни яратади, уларга таянади ва ривожлантиради. Ҳар бир онг соҳасининг ўз

ғоялари мавжуддир. Мазмуни ва намоён бўлиш шаклига қараб, ғояларни бир неча турларга бўлиш мумкин: илмий, фалсафий, диний, бадий, ижтимоий-сиёсий, миллий ёки умуминсоний ва ҳоказо. Шу билан бирга жамиятнинг ижтимоий тузилиши билан боғлиқ партиявий, синфий, этник ғоялар, ҳамда кўламига кўра фарқланадиган умумбашарий, минтақавий ва маҳаллий аҳамиятга эга шакллари ҳам бор.

Диний ғоялар деб, ҳар бир диний таълимотнинг асосини, имон-этиқоднинг негизини ташкил этувчи ғояларга айтилади. Ибтидоий динлар ҳар нарсанинг жонли экани, жоннинг абадийлиги, бут ва санамларнинг, табиий жисм ва ходисаларнинг илохий қувватга эгалиги тўғрисидаги қарашларга асосланган. Мааслан, ҳиндларнинг тасаввурича жон кўчиб юради. Илоҳларнинг кўплиги ҳақидаги фикрга таянадиган политеистик динлар вақти келиб яккахудолик ғоясидаги динларга ўз ўрнини бўшатиб берган. Яккахудолик ғояси миллий динларда ҳам, жаҳон динларида ҳам ўз ифодасини топади. Масалан Исломда барча ақида, руҳ ва қоидалар Оллоҳнинг ягоналиги ғоясига асосланади.

Илмий ғоялар – фан тараққиётининг маҳсули, илмий кашфиётларнинг натижаси сифатида пайдо бўладиган, турли фан соҳаларининг асосий тамойиллари ва устувор қоидаларини ташкил қиладиган илмий фикрлардир. Ғояларнинг ҳаёти: пайдо бўлиши, ривожланиши, бошқа ғоялар билан ўзаро кураши ва эскирган ғояларнинг янгиси билан алмашилиши илмий ғоялар мисолида яққол намоён бўлади. Қадимги юнон файласуфлари табиий жисмларнинг энг кичик зарраси сифатида “атом” тушунчасини киритган эдилар. Птолемейдан тортиб то Берунийгача оламнинг маркази Ер деб келганлар, Евклид геометрияси, Дарвин таълимоти ҳам ўз даврининг энг илғор илмий ғояларига асосланган эди. Илм-фан тараққиёти атомнинг бўлинишини, коинот маркази Ер эмаслигини ишончли далиллар билан исботлади, ирсият назарияси ва кўплаб кашфиётлар қилинди. 20 асда инсоният жуда кўп илмий ғояларни амалиётга айлантирди ва бундан буён ҳам фан тараққиёти эскирган қарашларни янги илмий ғоялар билан алмаштираверади.

Фалсафий ғоялар ҳар бир фалсафий таълимотнинг асосини ташкил этадиган, олам ва одам тўғрисидаги энг умумий тушунчалардир. Улар бизни ўраб турган дунёни билиш жараёнида, кишилиқ жамиятининг тараққиёти мобайнида тўпланган билимларни умумлаштириш, инсон ҳаётининг маъно-мазмуни, бахт-саодати каби масалалар устида мулоҳаза юритиш асосида шаклланади. Инсоният тарихида турли халқларнинг файласуф ва алломалари турфа хил ғоялар яратганлар, аммо фалсафий ғоялар ҳақида гап кетганда, жаҳон фалсафий тафаккури ривожига бекиёс хисса қўшган ўзбек

мутафаккирлари яратган меросни ёдга олмаслик мумкин эмас. Форобийнинг фозил шаҳар тўғрисидаги, тасаввуф даҳоларининг комил инсон ҳақидаги, Ибн Синонинг тана ва руҳ муносабатига оид, Навоийнинг адолат ва инсонийлик борасидаги теран фикрлари фалсафий ғояларнинг ёрқин намунасидир.

Бадиий ғоялар адабиёт ва санъатнинг асосий маъно-мазмунини ташкил этадиган, ундан кўзланган мақсадга хизмат қиладиган етакчи фикрлардир. Улар ҳаётдан олинади, бадиий талқинлар асосида баён этилади, ўқувчида муайян таассурот уйғотади. Бадиий қаҳрамонларга эргашиш ҳам ана шу асосда рўй беради. Инсон ва жамият онгини ўзгартиришда, шахс рухиятига таъсир ўтказишда, одамларни ҳаракатга келтиришда адабиёт ва санъатнинг аҳамияти беқиёсдир. Миллий истиқлол ғоясини тарғиб этиш, халқнинг онги ва қалбига сингдиришда ҳам булар муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Ижтимоий-сиёсий ғоялар алоҳида халқ ва умумбашарнинг орзу-умидларини ифодалайди, эркин ҳаёт ва адолатли тузумни тараннум этади. Озодлик ва мустақиллик, тинчликсеварлик ва инсонпарварлик ғоялари шулар жумласидандир. Асрлар мобайнида бундай ғоялар халқларни ўз эрки учун курашга сафарбар этиб келган.

Озодлик ва мустақиллик ғояси - энг улуғ ва эзгу ғоя, у мазлумларни ўз эрки учун курашга чорлайдиган, қуллик ва қарамликнинг ҳар қандай кўринишини қоралайдиган ғоядир. Ҳар бир халқ истиқлол туфайли ўзига ёт ва бегона тузумдан, ижтимоий тазйиқлардан халос бўлади, ўз салоҳиятини тўла-тўқис ишга солиш, ўзи истаган ва танлаган йўлдан бориш имкониятини қўлга киритади.

Миллий ғоя халқнинг туб манфаатларини ифода этадиган, уни ўз олдига қўйган мақсадлари томон бирлаштирадиган ва сафарбар этадиган ғоядир. Тарихнинг туб бурилиш давларида ҳар қандай миллат ўз келажагини белгилайди, унга етишишнинг ўзига мос йўللари танлайди. Ана шу жараёнга хос ижтимоий-иқтисодий-сиёсий йўналишлар билан барча ғоявий тамойилларни ҳам белгилаб олади. Президентимиз Ислом Каримов томонидан назарий жиҳатдан асослаб берилган, ҳамда “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласида ўз асини топган Ватан равнақи, Юрт тинчлиги, Комил инсон, Ижтимоий ҳамкорлик, Диний бағрикенглик, Миллатлараро ҳамжиҳатлик кабилар ана шундай умуммиллий ғоялар қаторига киради. Ҳар бир тарихий даврда унинг руҳини акс эттирадиган, халқнинг орзу-истаклари ва қадриятларига мос келадиган ғоялар кишиларнинг онги ва қалбидан жой олган. Таъкидлаш жоизки, башариятнинг зиддиятли тарихи мобайнида ҳаётбахш ғоялар билан бир қаторда тажовузкор ва ғаразли фикрлар ҳам кўп бўлган. Бинобарин

тараққиётга таъсири ва сифатларига қараб, ғоялар бунёдкор ва вайронкор, ҳаётбахш ва тажовузкор бўлиши мумкин. Юртбошимиз таъкидлаганидек, миллат тараққиётига хизмат қиладиган, жамиятни олий мақсадларга сафарбар этадиган ғоялар юксак ғоялардир.

3. Ҳар қандай назария ва таълимот бир тизимга солинган ғоялар мажмуидан иборат бўлади. Мафкура муайян ижтимоий гуруҳ, миллат ёки давлатнинг эҳтиёжларини, мақсад ва интилишларини ифода этадиган ғоялар, уларни амалга ошириш усуллари тизимидир. Турли ижтимоий тузумлар, жамиятнинг турли қатламларининг мафкураси турлича бўлиши табиий. Бунинг асосида манфаатларнинг турличалиги, уларни қондириш имкониятлари ва усуллариининг ҳар хиллиги ётади. Синфий қутблашув кучайган тузумларда мафкура ўта сиёсатлашади, аҳоли қатламларини ўзаро қарама-қарши қилиб қўяди. Ижтимоий тенгликка асоланган демократик жамият барпо этишни кўзлаган давлатларда мафкура аҳолининг барча қатламларини жипслаштиришга, умумманфаат йўлида бирлашишга чорлайди. Инсоният тарихи мобайнида турли шаклдаги мафкуралар яратилган, қўплаб ижтимоий-сиёсий кучлар ўз ғоялари ва таълимотлари билан майдонга чиққан, масад ва ниятларига етишиш учун ҳаракат қилган. Ҳар қандай мафкурани ғоялар тизими сифатида талқин қилар эканмиз, бирор бир мафкуранинг моҳиятини англаб етиш учун фақат унинг таркибидаги ғояларни таҳлил қилишнинг ўзи кифоя эмас. Ўтмишда турли кучлар ва гуруҳлар ўз ғаразли ниятиларига эришиш асл мақсадларини яшириш учун юксак ва жозибали ғоялардан фойдаланган. Энг ёвуз босқинчи ва разил гуруҳлар ҳам ўз кирдикорларини эзгу ғоялар билан ниқоблашга уринганлар. Демак мафкуранинг моҳияти фақат унинг асосий ғоялари воситасида эмас, шу ғояларга эришиш усуллари орқали ҳам намоён бўлади.

4. Инсоният тарихи турли ғояларнинг маърифат ва жаҳолатга, эзгулик ва ёвузликка хизмат қилган мафкуралар шаклида намоён бўлганидан дарак беради. Ғоя мафкурага асос бўлади, мафкура эса муайян ғояни амалга оширишга хизмат қиладди. Тараққиёт миллий асосдаги хиндуизм, яҳудийлик, конфуцийлик, синтоизм каби диний мафкураларни шакллантирди. Динлар миллат тарихининг муайян даврида давлат мафкураси даражасига кўтарилган. Айрим мафкуралар замонлар ўтиши билан ўз мавқеларини йўқотган бўлсаларда, миллат маънавиятининг таркибий қисми сифатида сақланиб қолди. Халқ улардан қувват олган, маънавий озикланган, улар орқали ўз қадриятларини сақлаган. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, баъзан бузғунчи мафкура ўзининг сохта жозибаси билан омма онгини захарлаб, жамиятда ҳукмрон мавқени эгаллаб олиши мумкин. 20 асрда фашизм ва коммунизм мафкурасининг ғалабалари миллионлаб инсонларга

чексиз кулфат солгани, маънавий тараққиётга катта зарар етказгани тарихнинг аччиқ сабоқларидан биридир. Ана шу сабабдан ҳам бугунги кунда бутун дунёдаги тараққийпарвар кучлар бундай нохуш ҳолатлар такрорланмаслиги учун ҳамжихатлик билан кураш олиб бориши ижтимоий зарурат бўлиб қолди. Ёвуз ғояларга асосланган мафкуралардан яна бири диний ақидапарастликдир. Афсуски бу иллат 21 асрда дунёдаги тинчлик ва тараққиётга таҳдид солмоқда. Ақидапарастлик қандай шаклда бўлмасин, ҳамма замонларда ҳам жамият учун бирдек хатарли бўлиб, одамлар бошига кўплаб кулфатлар келтиради. Ижтимоий меъёр ва қонун-қоидаларни тан олмасликка даъват этувчи нигилизм ёки кўп ҳолларда ватансизликни мутлақлаштирадиган космополитизм каби мафкуралар турли кўринишларда намоён бўлмоқда.

Ғоя ва мафкураларнинг тарихий шаклларни, мазмун-моҳиятини азал-азалдан эзгулик ва ёвузлик, бунёдкорлик ва вайронкорлик ўртасидаги кураш диалектикаси белгилаб келади. Босқинчилик, бошқалар ҳисобидан бойиш, тажовузкорлик, ақидапарастлик мафкураларига қарама-қарши ўлароқ, озодлик, мустақиллик ва адолат ғоялари узлуксиз майдонга чиқиб, халқларнинг музаффар байроғига айланади.